

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВА АЗИЗА ТАЙИРОВНА**

**ЭНДОМЕТРИОЗ БИЛАН ОҒРИГАН АЁЛЛАРДА ПЕРИМЕНОПАУЗА  
ДАВРИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.01–Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Ахмедова Азиза Тайировна**

Эндометриоз билан оғриган аёлларда перименопауза  
даври хусусиятлари..... 3

**Ахмедова Азиза Тайировна**

Особенности течения периода перименопаузы  
у женщин эндометриозом..... 19

**Akhmedova Aziza Tayirovna**

Features of the course of the perimenopause period  
in women with endometriosis..... 33

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 37

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**АХМЕДОВА АЗИЗА ТАЙИРОВНА**

**ЭНДОМЕТРИОЗ БИЛАН ОҒРИГАН АЁЛЛАРДА ПЕРИМЕНОПАУЗА  
ДАВРИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.01–Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.2.PhD/Tib1319 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Абдуллаева Лағия Мирзатуллаевна  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** Аскеров Арсен Аскерович  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Худаярова Дилдора Рахимовна  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий- амалий тиббиёт маркази

Диссертация химояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «23» июль кuni соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 223-30-34; e-mail: ilmiyprorektori@sammi.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (40197-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 223-30-34.

Диссертация автореферати 2021 йил «23» июль да тарқатилди.  
(2021 йил «4807» 12 июль даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)



*А.М. Шамсиев*

**А.М. Шамсиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.З. Шодикулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Г.А. Ихтиярова**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори (DSc)

*Г.А. Ихтиярова*  
21

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Эндометриоз касаллиги бу бачадоннинг шиллик қаватини, яъни эндометрийни бошқа аъзо ва тизимларда ўсиб кетишидир. Касалликнинг кечиши репродуктив ёшдаги аёллар ҳаёт сифатининг пасайиши ва ўлим ҳолатининг кўпайиши билан намоён бўлади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...аёл ҳаётининг 1/3 қисмига тўғри келади ва бу, ўз навбатида, муаммонинг тиббий ва ижтимоий аҳамиятини яққол намоён этади, бугунги кунда ҳар ўнинчи аёл постменопаузал ёшда ҳисобланади...»<sup>1</sup>. Шунинг учун ёшга боғлиқ эстроген етишмовчилиги патогенетик сабаб бўлган касалликларнинг олдини олиш ва даволаш усуллари такомиллаштириш бугунги кунда тиббий ва ижтимоий жиҳатдан долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда эндометриоз билан оғриган аёлларда переменопауза даври хусусиятларини баҳолашни такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада эндометриоз билан касалланган аёлларда климактерик синдромнинг учраши даражаси, эндометриоз негизида аёлларда гонадотропик ва жинсий гормонларнинг чиқарилишига қараб, соғлиқни сақлаш ҳолати ва гинекологик касалликларнинг тарқалиш даражасини асослашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Операция қилинган, консерватив ва қўшма даво усуллари қўлланилган аёлларда переменопауза даври клиник белгилари хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш, эндометриозда климактерик синдромни даволаш, олдини олиш ҳамда эндометриоз билан хасталанган климактерик синдроми бор аёлларда менопаузал гормонал терапия ва фитогормонлар турли хил тартибда қўлланилганда ҳаёт сифатини баҳолаш ва даволаш усуллари янада такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш ҳамда жаҳон андозаларига мослаштириш, жумладан катта ёшдаги аёллар орасида учрайдиган турли касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. Бу борада «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар бугунги кунда эндометриоз билан оғриган аёлларда переменопауза давридаги эрта

<sup>1</sup>Адамян Л. В. и др. Особенности хронической тазовой боли у пациенток с наружным генитальным эндометриозом //Лечащий врач. – 2019. – №. 9. – С. 83-89

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

босқичдаги ўзгаришларини ташхислашни амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади ва шу йул орқали салбий оқибатларга олиб келувчи сабабларини ва ногиронлик кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ–4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI.«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон илмий адабиётларда, куплаб утказилган тадқиқотлар натижасида эндометриоз билан касалланган аёлларни ташхислаш, даволаш, асоратларини башоратлаш бўйича кўплаб тақиқотлар ўтказилган. Жумладан, эндометриоз ва чанокдаги оғриқлар ва уларнинг хусусиятлари ҳақида: В.Г.Волков, (2019); Е.Ф.Кира, (2008); R.F.Casper, (2017); S.Angioni (2015); Koshiba(2018), перименопаузадаги учрайдиган хусусиятлари тўғрисида В.А.Кулавский, (2009); Т.Гринхальх (2014) тадқиқотлар олиб боришган. В.Я.Наумова ва унинг ҳаммуаллифлари фикрига кўра, гинекологик касалланиш таркибидаги эндометриоз камида 11,6% ни ташкил қилади ва генитал эндометриоз (48,5%) таркибида етакчи ҳисобланади. Л.В.Адамян ва ҳаммуаллифларининг фикрига кўра (2016; 2019), бачадонга турли даражадаги зарар етказадиган эндометриоз жинсий ва экстрагенитал эндометриоз ҳолатларининг 70-90% дан ортигини ташкил қилади. Хорижий адабиётларда нафақат касаллик ёки нуқсонларнинг йўқлиги, балки беморнинг барча «ички дунёси»ни акс эттирувчи «соғлиққа боғлиқ ҳаёт сифати» тушунчаси қўлланилади.

Илмий адабиётларда ушбу ёш гуруҳи гинекологларнинг назаридан бутунлай четда қолмоқда ва менопаузанинг бошланиши билан боғлиқ патологик аломатлар аёлларнинг бошқа мутахассисларга мурожаат қилишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги вақтда тасвирланган ўзгаришлар ва менопауза даврига яқинлашиш механизмлари, шунингдек, перименопауза (ПМП)да ривожланаётган патологик жараёнларнинг патогенези етарли даражада ўрганилмаган. Шу билан бир қаторда, эндометриозни даволаш

мезонлари, ташхислаш, асоратларини башоратлаш масалалари S.Ozcan (2018) томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда Д.К. Нажмутдинова (2016) томонидан эндометрида гиперпластик жараёнлар, бачадон бўйни цитологик хусусиятлари, Д.Т. Каюмова (2019) томонидан пременопауза даврида бўлган аёлларда такрорланувчи дисфункционал бачадондан қон кетиш сабабларининг қиёсий хусусиятлари, Д.А. Алиева (2020) томонидан перименопауза даврида дисфункционал бачадондан қон кетишининг гистероскопия усулининг аҳамияти бўйича ўтказилган тадқиқотлар диққатга сазовордир.

Бугунги кунда соҳада ортирилган тажриба ва олиб борилган илмий ва амалий тадқиқотлар ни эътиборга олиб, эндометриоз билан касалланган аёлларнинг перименопауза даврига хос хусусиятлари ва ҳаёт сифатини баҳолаш усулларини такомиллаштириш, даволашнинг самарали усулини танлашда климактерик синдром ҳолатларини инобатга олиш келажакда ушбу соҳада юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш, перименопауза давридаги аёллар орасида эндометриознинг исталмаган асоратлари ва ногиронлик частотаси камайтириш масаласи акушерлик ва гинекологияда долзарб ва амалий жихатдан муҳим ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, №012000260 «Оналик ва болалик соғлигини ҳимоя қилишнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш»(2017-2020) илмий лойиҳалар доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** перименопауза даврида эндометриоз билан касалланган аёлларда касалликнинг клиник кечиши, гормонал ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолаш ҳамда даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

эндометриоз билан касалланган аёлларда климактерик синдромнинг учраш даражасини баҳолаш;

эндометриоз негизида климактерик синдромга чалинган аёлларда гонадотропик (ЛГ, ФСГ) ва жинсий гормонлар (эстрадиол, прогестерон, тестостерон)нинг чиқарилишига қараб соғлиқни сақлаш ҳолати ва гинекологик касалликларни баҳолаш;

операция қилинган, консерватив ва қўшма даво усули ёрдамида даволанган эндометриоз бор аёлларда перименопаузанинг клиник кечишини қиёсий таҳлил этиш;

олинган натижалар асосида перименопауза даврида эндометриозни даволаш, исталмаган асоратлар ва ногиронликнинг олдини олиш мақсадида беморларга менопаузал гормонал терапияни ва фитогормонларни турли хил тартибда қўллашни муқобиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2017-2020 йиллар давомида Самарқанд шаҳар 2-сон туғруқ мажмуасига мурожаат этган эндометриоз

билан касалланган перименопауза даврида бўлган 142 нафар аёл ва назорат гуруҳидаги 35 нафар нисбатан соғлом аёллар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида эндометриоз билан касалланган перименопауза даврида бўлган аёллар периферик қони ва унинг зардоби биокимёвий, гормонал ҳамда бачадон бўйинчасидан ПАП-суртма материаллари олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда мақсадга эришиш ва олдимизга қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун умумклиник, SF-36 сўровномаси, УТТ, колпоскопия, лаборатор ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор перименопаузал даврда эндометриоз билан касалланган аёлларда клиника ва гормонал: эстроген ва прогестоген кўрсаткичларнинг чанокдаги сурункали оғриқ хавфи ортиши билан ўзаро пропорционал боғлиқлиги баҳоланган;

илк бор перименопаузал даврда эндометриоз кузатилган аёлларда ижтимоий фаоллиги ва ҳаёт сифатининг ёмонлошуви, депрессивликнинг ортиши, жинсий хулқ-атворнинг ўзгариши билан узвий боғлиқлиги аниқланган;

илк бор эндометриоз билан касалланган аёлларда менопаузал гормонал терапия, яъни эстроген ва прогестоген циклик тартибда кулланилишини перименопауза жараёнига аёллар гормонал фони яхшиланиш натижасида самарали таъсир қилиши исботланган;

эндометриоз билан касалланган аёлларда климактерик касалликларнинг олдини олишда таббий эстроген ва прогестоген таъсирга эга булган фитопрепаратлар ва муқобил терапия патогенетик даволаш модели ишлаб чиқилган ҳамда лаборатор текширувлар асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

перименопаузал даврда эндометриоз кузатилган аёлларда хавф омилларини аниқлашни амалиётга жорий этиш билан касаллик ва унинг асоратларини олдиндан башоратлаш, қиёсий ташхислаш асосланган;

менопаузал гормонал терапия ва фитопрепаратлар билан даво олиб борилганда эндометриоз мавжуд аёлларда исталмаган асоратларнинг ривожланиш хавфини бартараф этиш исботланган;

перименопаузал даврда эндометриоз билан касалланган аёлларда ҳаёт сифатининг жисмоний ва руҳий кўрсаткичларининг пасайиши ҳисобга олинган ҳолда психолог маслаҳати тавсия этилиши асосланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** назарий ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, SF-36 сўровномаси эндометриозда гормонал кўрсаткичлар, ПАП суртма таҳлили натижалари ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, эндометриоз билан оғриган аёлларда перименопауза даври хусусиятларини баҳолашда халқаро ҳамда



маҳаллий тажрибалар таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти перименопауза даврида эндометриоз билан касалланган аёлларда клиник-гормонал кўрсаткичларнинг чанокдаги сурункали оғриқ хавфи ортиши билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш, менопаузал гормонал терапия ва фитопрепаратларнинг перименопауза жараёнига самарали таъсири, даволаш усуллари ва ҳаёт сифати кўрсаткичлари орасида узвий боғлиқлигини асослаб бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти анкета сўровномаси асосида олинган натижалар перименопауза даврида эндометриоз билан оғриган аёлларнинг саломатлик ҳолати, психоэмоционал бузилишларнинг кенг тарқалиши, метаболик мослашув жараёнларининг бузилиши, олдиндан мавжуд бўлган сурункали касалликлар негизида ирсий ва ижтимоий омиллар перименопаузал касалликларни кучайтиришининг олдини олишга қаратилган даволаш тартиби ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Эндометриоз билан оғриган аёлларда перименопауза даври хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

касалликнинг хавф омилларини баҳолаш, индивидуал танланган даво усуллари кўллаш, менопаузал гормонал терапия ва фитопрепаратларнинг перименопауза жараёнига самарали таъсирини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Эндометриоз: перименопауза даврида аёлларни олиб бориш тактикаси ва даволаш хусусиятлари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 8 февралдаги 8н-д/53-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома перименопауза даврида аёлларни олиб бориш тактикаси ва даволаш хусусиятларини танлаш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

перименопауза даврида эндометриоз билан оғриган аёлларнинг саломатлик ва психоэмоционал ҳолатини баҳолаш, сурункали касалликлар негизида касаллик кучайишининг олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Эндометриоз: ташхислаш, даволаш ва реабилитация» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 8 февралдаги 8н-д/53-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома перименопауза даврида аёлларда эндометриоз касаллигини эрта ташхислаш ва самарали даволаш, касалликни реабилитация қилиш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконияти яратилган;

эндометриоз билан оғриган аёлларда перименопауза даври хусусиятларини баҳолашга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика репродуктив саломатлик марказининг Самарқанд филиали ва Самарқанд шаҳри 1-сон туғруқ мажмуасининг клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 апрелдаги 8н-з/76-сон маълумотномаси). Олинган натижалар эндометриоз

билан оғриган аёлларда перименопауза давридаги ўзгаришларни баҳолаш, операция қилинган аёлларда стандарт менопаузал гормонал терапия ва фитопрепаратлардан фойдаланиш, психоэмоционал ҳолатини тиклашда атипик нейролептик билан даволаш тартибини муқобиллаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан, 7 та мақола, улардан 5 та республика ва 2 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этган.


## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Перименопауза ва эндометриоз, перименопаузал даврнинг тиббий ва ижтимоий жиҳатларининг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида перименопауза даврида ва эндометриоз билан касалланган аёлларнинг хатти-ҳаракатлари, даволашда турли усулларнинг самарадорлиги ва мақбуллигига замонавий қарашлар ҳамда эндометриоз касаллиги умрбоқий касаллик эканлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Эндометриоз билан касалланган аёлларда перименопауза давридаги клиник хусусиятларини баҳолаш материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланган материаллар ва даво усуллари баён этилган. Биринчи босқичда перименопауза даври клиник курсининг хусусиятларини ўрганиш учун эндометриоз ташхиси қўйилган 45-55 ёшлардаги 142 нафар аёллар текширувдан ўтказилган, улар гинекологга перименопауза даврининг гипоестроген ҳолатига боғлиқ шикоятлар билан мурожаат қилишган.

Кейинги тадқиқотлар учун ушбу беморлар 3 гуруҳга бўлинган: I гуруҳ 59 нафар аёлдан иборат (эндометриоз сабабли операция қилинган), II гуруҳ 48 нафар аёлдан иборат (эндометриоз сабабли операция қилинмаган), III назорат гуруҳи эндометриозсиз перименопаузал ёшдаги (n-35) соғлом аёллардан иборат эди (1- расмга қаранг).



1-расм. Тадқиқот материали

Дори воситаларини танлаш менопаузал гормонал терапия учун кўрсатмалар ёки қарши кўрсатмалар мавжудлиги ва даволашни талаб қиладиган вазомотор симптомлар мавжудлиги билан белгиланди.


Диссертациянинг «Перименопауза даврида эндометриоз билан касалланган аёлларда ҳаёт сифатини ўрганиш натижалари муҳокамаси» деб номланган учинчи бобида перименопауза даврида эндометриоз билан касалланган аёлларнинг ҳолати ва ҳаёти сифатини ўрганиш мақсадида, уларнинг ижтимоий-гигиеник тавсифномаларини ҳисобга олган ҳолда, Самарқанд шаҳридаги 142 нафар аёл ўртасида сўровнома ўтказилди. Тадқиқот усули сифатида ёзма шаклда тўлдириладиган анкета кўринишида ва Google forms компьютерида сўровнома кўринишида тақлиф этилган махсус тузилган саволлар бўйича ретроспектив таҳлилдан фойдаланилди.

Ўтказилган ижтимоий тадқиқот таҳлили жарроҳлик амалиёти ўтказилган аёлларда ҳаёт сифати кўрсаткичи жарроҳлик амалиёти ўтказилмаган аёлларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларидан пастлигини кўрсатди ( $p > 0,05$ ). Иккала гуруҳдаги аёллар тенг нисбатда гинекологик касалликлардан азият чекишган ( $p > 0,05$ ).

I гуруҳда соматик касалликларни бошидан ўтказган аёлларда сурункали экстрагенитал касалликлар кўпроқ қайд этилди ( $p < 0,05$ ). Репродуктив хатти-

ҳаракатлар таҳлили бўйича, оилада болалар сони жиҳатидан фарқлар аниқланмади: икки болали оилалар кўпроқ бўлган ( $p>0,05$ ).

Касалхонага ётқизилган ва перименопаузал даврни бошдан кечираётган 45-50 ёш оралиғидаги деярли барча беморлар ҳайз кўришнинг бузилиши ва оғриқ синдромининг турли хил кўринишлари (92,9%) дан шикоят қилганлар. Уларнинг аксариятида ўртача (42,9%) ёки оғир дисменорея (20,5%) қайд этилган. Шу билан бирга, 59,0% аёллар оғриқ синдромини йўқотиш учун ҳайз пайтида оғриқ қолдирувчи дори воситаларидан фойдаланганлар. Диспареуния ҳам ёш аёлларда тез-тез учрайдиган шикоят бўлиб, бундай шикоят беморларнинг 19,7% идан келиб тушган (2-расмга қаранг).




**2-расм.** Перименопауза даврида эндометриози бор бўлган аёлларда ўтказилган жарроҳлик амалиётининг хусусиятлари

Оғриқ синдроми билан бир қаторда, менструациянинг бузилиши ҳам ушбу гуруҳдаги беморларда кўп учрайдиган шикоятлардан эди; бундай шикоят 142 аёлдан 100 нафари (89,3%) да қайд этилган. Шу билан бир қаторда, беморларнинг аксарияти ҳайз пайтида кўп қон кетиши (86,6%), қуйқалар билан кўп миқдорда доғланиш (50,0%), ҳайз вақтида етти кундан кўп қон кетиши (55,4%) дан шикоят қилишган. Ушбу гуруҳлардаги беморларнинг кўпчилиги ҳайз даврининг қисқарганлиги (35,7%) дан шикоят қилган. 50 ёшдан ошган беморлар гуруҳида касаллик сезиларли даражада асимптоматик (85,7%) бўлган  $\chi^2=61,97$ ;  $p<0,001$ ).

Объектив текширув, барча текширилувчилар аёлларга мос тана турига эгалигини кўрсатди. Кетле бўйича тана массаси индекси гуруҳлар ўртасида ўтказилганда, уларда сезиларли фарқ аниқланмади ва ўртача: I -  $33,4\pm 3,7$  кг/м<sup>2</sup>; II -  $31,6\pm 3,4$  кг/м<sup>2</sup>; III -  $26,6\pm 2,3$  кг/м<sup>2</sup>. ( $p<0,05$ ) га тенг (3-расмга қаранг).

I гуруҳдаги беморларнинг 16,3%и, II гуруҳдаги беморларнинг 12,5%и ва

III гуруҳдаги беморларнинг 8,3%ида семизлик сабабли бимануал қин текшируви жуда қийин кечган. Бачадоннинг кучли бурилиши I гуруҳда 24,5%, II гуруҳда 29,0% ва назорат гуруҳидаги беморларнинг 5,7% идагина аниқланди ( $p < 0,05$ ).



**3-расм.** Перименопауза даврида бўлган аёлларнинг соматик касалликлари хусусиятлари


Барча текширилган беморларда тос аъзоларининг ультратовуш текшируви ўтказилди. Ушбу текширув жараёнида қуйидаги ички эндометриоз белгилари аниқланди: I гуруҳдаги 52,2% беморда - бачадоннинг катталашиши, II гуруҳдаги 61,8% беморда ҳам шундай ҳолат, айниқса, бачадоннинг олд қисмида, бачадон шаклининг юмалоқлиги, перешейканинг кенгайиши - 58%, бачадон деворларидан бирининг қалинлашиши - 62%, бачадон контурларининг нотекислиги - 75,4% беморда аниқланган ( $p < 0,05$ ) (4-расмга қаранг).

Шунингдек, бачадон танаси эндометриозининг деформациялари ва М-эхо атрофидаги эхогенли зонанинг кенгайиши каби натижалар I гуруҳда - 32,8%, II гуруҳда - 46,4%; эхогенли контурли анэхоген шаклланишларнинг мавжудлиги, тартибсиз шаклнинг кўпайган эхоген шаклланиши, кистик тузилмалар эса, I гуруҳда - 41,5%, II гуруҳда - 52%ни ( $p < 0,001$ ) кўрсатди. Эндометриознинг ушбу турли хил комбинациялардаги эхоген белгилари I ва

II гуруҳдаги айрим беморларда аниқланган, назорат гуруҳидаги беморларда эса кузатилмаган.

Бачадон бўшлиғи ва бачадон бўйни канали шиллиқ қаватининг алоҳида диагностик кюретажи билан гистероскопия I гуруҳдаги 35,5% (21) беморда ўтказилди. Ушбу тадқиқот II гуруҳ ва назорат гуруҳидаги беморларда ўтказилмади.

Гистероскопия ўтказиш учун кўрсатмаларга қуйидагилар киради: менопаузадаги аёлларда М-эхонинг 5 мм дан ортиқ қалинлашиши, М-эхо деформацияси, М- эхо атрофида экогенлик кучайган зонанинг деформацияси ва/ёки кенгайиши ва унинг проекциясида кистоз тузилмаларнинг мавжудлиги.




4-расм. Эндометриозли аёллар перименопауза даврида сонография натижалари

Кузатилаётган беморларда эндометрий биопсияси натижасида олинган материалнинг гистологик текшируви натижалари таҳлилида эндометрийдаги атрофик ўзгаришлар гуруҳларга бўлиниб аниқланди: I - 21,2%; II - 26,0%; III - 11,0% ( $p < 0,05$ ). Эндометрий патологияси (полиплар) гуруҳлар бўйича: I - 44,5% (6), II - 33,5% (7) ( $p < 0,05$ ). Проллиферация босқичидаги эндометрия: I- 35,5% (21), II-24,3% (3), III-12,2% (1) ( $p < 0,05$ ), эндометриянинг шунга ўхшаш гистологик кўриниши аменорея билан касалланган беморларда аниқланди, бу 1 йилдан ортиқ бўлмаган вақт мобайнида норманинг бир тури деб ҳисобланди (5-расмга қаранг).


Ўрганилаётган беморларнинг лаборатория маълумотлари орасида гемостаз кўрсаткичлари, биокимёвий тадқиқотлар, периферик қон зардобидидаги гонадотропик ва жинсий гормонлар кўрсаткичлари эътиборга лойиқдир.

Кўп ҳолатларда экспериментал ва клиник изланишларда иккита кўрсаткичнинг ўртача арифметик катталикларини ўзаро солиштириш зарурати туғилади, масалан, экспериментал ва назорат гуруҳлари бўйича натижалар солиштирилганда, турли хил яшаш жойларидаги аҳолининг соғлиқ кўрсаткичларини солиштириш, йиллар бўйича солиштириш ва ҳоказо.




5-расм. Эндометриоз билан касалланган аёлларнинг перименопауза даврида гистологик усулда текшириш натижалари

КСнинг таркибий қисми сифатида психоэмоционал симптом комплексининг намоён бўлиш частотаси, эндометриоз сабабли лапаротомиядан кейинги беморларда, ортиқлари билан экстирпацияни бошидан кечирган ва кечирмаган беморларга қараганда, КС  $3,5 \pm 5$  йил олдин содир бўлганлиги кузатилди (6-расмга қаранг).



6-расм. Климактерик синдромнинг биринчи белгилари вақт градацияси (йил)

Ушбу кузатув таҳлил қилинган илмий адабиётлардаги натижаларга тўғри келади. I гуруҳдаги аёлларда кузатилган нисбий гипоэстрогеник ҳолат фонида КСнинг оғирлиги II гуруҳдаги беморларга қараганда кўпроқ сезиларли (эндометриоз сабабли операция қилинмаган беморлар), психоэмоционал бузилишлар билан гуруҳларда аниқланди: I - 84,2%; II - 66,6%; назорат гуруҳи - 22,3% ( $p > 0,005$ ) (7-расмга қаранг).



**7-расм.** Эндометриозли аёлларда перименопауза даврида психоэмоционал бузилишларнинг хусусиятлари

Тадқиқотнинг кейинги босқичи перименопауза даврида бўлган аёлларнинг КС учраш частотасини Куперман индекси бўйича оғирлигини ва эндометриоз билан касалланган аёлларда клиник кўринишига ва қўшимча лаборатор текширув натижаларига асосланиб, даво чораларини белгилаб олиш ва амалиётига татбиқ этишдан иборат. Муаллиф томонидан тадқиқот давомида 142 нафар аёл 3 гуруҳга ажратилиб текширилди (1-жадвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### Эндометриозли аёлларда перименопауза даврида климактерик синдромнинг терапияси

№	Гуруҳлар	Дори воситалари	Оғирлик даражаси	Даволанишдан олдин	3 ойдан сўнг	6 ойдан сўнг
1.	I гуруҳ	МГТ (n-35)	Енгил	22,16±1,94	19,1±1,55	14,23±1,2
		Сульпирид (n-24)	Ўртача	25,21±1,73	23,22±1,38	17,24±1,33
2.	II гуруҳ	Диеногест (n-48)	Енгил	41,33±2,94	31,56±2,86	20,15±1,45
			Ўртача	43,23±2,72	38,34±2,11	23,45±1,75
3.	Назорат гуруҳи	(n-35)	Енгил	21,22±2,12	22,83±1,43	14,56±1,49



Диссертант томонидан ҳаёт сифатини аниқлаш учун эндометриоз билан касалланган аёлларда перименопауза даврида SF-36 анкетаси бўйича ҳаёт сифати баҳоланди. Бу сўровнома 142 нафар аёлларда ўтказилди (2-жадвалга қаранг).

**2-жадвал**

**SF-36 анкетаси бўйича эндометриоз билан касалланган аёлларнинг перименопауза давридаги ҳаёт даражасини баҳолаш**

Ҳаёт сифатини баҳолаш	Текширув (n-35)	I гуруҳ (n-59)		II гуруҳ (n-48)	
		Даволангунгача	Даволангандан сўнг	Даволангунгача	Даволангандан сўнг
Умумий соғлиқ, жисмоний ва ишлаши фаолиятига таъсири	87,5±3,3	56,4±3,1	76,4±2,1	86,5±3,4	91,5±3,3
	85,5±6,4	44,4±9,4	84,4±7,4	75,5±6,2	87,5±6,4
	89,4±3,5	71,9±4,9	81,9±4,4	79,4±3,4	89,4±3,7
Социал. Фаолиятига таъсири	92,4±4,9	70,6±7,5	84,2±6,5	82,4±4,7	93,4±4,8

Шундай қилиб, атипик нейролептикалар ва стероид бўлмаган структуранинг эстроген таъсири эндометриоз билан касалланган беморларда патологик менопауза аломатларини самарали равишда енгиллаштирди. Бу эса ўз ҳолатида эстроген билан боғлиқ ножўя таъсирлар кўрсатилмай амалга оширилади ва ушбу патологияни шунга ўхшаш беморлар гуруҳида даволаш учун улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бироқ, бу масала яна қўшимча ўрганишларни талаб қилади.

## ХУЛОСА

«Эндометриоз билан оғриган аёлларда перименопауза даври хусусиятлари» мавзуидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши натижалари бўйича қуйидаги хулосалар шакллантирилган:

1. Эндометриоз билан оғриган аёлларда перименопауза даврида, ҳаёт сифатининг пасайиши 78,4% ( $p > 0,005$ )га, шу жумладан, ижтимоий фаолликнинг 47% ( $p > 0,005$ )га пасайиши ва ҳиссий лабилликнинг 68,5% ( $p > 0,005$ ) га ошиши билан характерланади.

2. Эндометриозли аёлларда перименопауза даврида 68,7% менопаузал синдром ривожланади: 39,6% аёлларда - психо-эмоционал бузилишлар шаклида, 29,1% ида - вегетатив-томир бузилиши шаклида.

3. Психо-эмоционал симптомларнинг ривожланиш частотаси даволаш усулига боғлиқ: операция қилинган беморларда вегетатив-томир ва психо-эмоционал бузилишлар  $3.5 \pm 4.7$  йил олдин ривожланади ва даволаш белгилангунга қадар давом этади.

4. Эндометриоз сабабли жарроҳликамалиёти ўтказилган 84,9% аёлларда гормонал бўлмаган атипик нейролептик сульпирид билан стандарт менопаузал гормонал терапиянинг қўлланиши КС аломатларини енгиллаштирди ( $p > 0,005$ ).

5. Эндометриоз сабабли жарроҳлик амалиёти ўтказилган ва стандарт гормон терапиясига қарши кўрсатмалар мавжуд аёлларда, гормонал бўлмаган фитопрепарат - индол-3-карбинолнинг қўлланиши 86% ҳолатда менопаузал синдромни даволашда ўз самарасини намоён этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКИЙ  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**АХМЕДОВА АЗИЗА ТАЙИРОВНА**

**ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ ПЕРИОДА ПЕРИМЕНОПАУЗЫ У  
ЖЕНЩИН С ЭНДОМЕТРИОЗОМ**

**14.00.01 – Акушерство и гинекология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**САМАРКАНД – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Tib1319.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:** Абдуллаева Лагия Мирзатуллаевна  
доктор медицинских наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Аскеров Арсен Аскерович  
доктор медицинских наук, профессор  
Худаярова Дилдора Рахимовна  
доктор медицинских наук, доцент

**Ведущая организация:** Республиканский Специализированный Научно-практический Медицинский Центр Акушерства и Гинекологии

Защита диссертации состоится «23» vii 2021 г. в 12<sup>00</sup> часов на заседании научного совета PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 при Самаркандском государственном медицинском институте. (Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура, дом 18. Тел./факс:(+99866) 233-30-34, e-mail: ilmiyprorektori@sammi.uz.).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского Государственного медицинского института (зарегистрирована за № 4079 Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура, дом 18. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Автореферат диссертации разослан «12» июль 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 430 от «12» июль 2021 года).



*(Handwritten signature)*

**А.М. Шамсиев**  
председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Г.З. Шодикулова**  
ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, кандидат медицинских наук

**Г.А. Ихтиярова**  
председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук (DSc)

*(Handwritten signature)*

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Эндометриоз это заболевание, при котором слизистый слой матки, то есть эндометрий, разрастается в других органах и системах. Течение болезни у женщин репродуктивного возраста проявляется снижением качества жизни и увеличением летальности. По сведениям Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «...приходится 1/3 жизни женщины, и это, в свою очередь, подчеркивает медицинскую и социальную значимость проблемы, поскольку сегодня каждая десятая женщина находится в постменопаузальном возрасте...»<sup>1</sup>. Поэтому на сегодняшний день оптимизация методов профилактики и лечения заболеваний, вызванных возрастным дефицитом эстрогенов, является одной из наиболее актуальных проблем медицины и общества.

Во всем мире проводятся широкомасштабные исследования для оптимизации процесса оценивания характеристики пременопаузального периода у женщин с эндометриозом. В связи с этим особое внимание уделяется частоте встречаемости климактерического синдрома у женщин с эндометриозом, состоянию здоровья и распространенности гинекологических заболеваний в зависимости от выработки гонадотропных и половых гормонов у женщин на фоне эндометриоза. Особое значение имеет сравнительный анализ характеристики клинических симптомов перименопаузального периода у женщин, перенесших хирургические вмешательства, консервативные и комбинированные методы лечения, а также профилактика климактерического синдрома, дальнейшее совершенствование методов оценки качества жизни и лечения при использовании фитогормонов в разной последовательности у женщин с эндометриозом.

В нашей стране перед системой здравоохранения поставлено ряд задач, направленных на повышение качества оказываемых населению медицинских услуг и адаптировать их к мировым стандартам, в том числе качество диагностики, лечения и профилактики различных заболеваний среди женщин климактерического возраста. В связи с этим, «повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи, поддержку здорового образа жизни и профилактику заболеваний, в том числе путем формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения, эффективных моделей патронажа и диспансеризации»<sup>2</sup>. Из этого следует, что весомое значение имеет осуществление научно-исследовательских работ направленное на снижение показателей инвалидизации, совершенствованием использования современных технологий при своевременной правильной терапии эндометриоза у женщин в период перименопаузы.

---

<sup>1</sup> Адамян Л. В. и др. Особенности хронической тазовой боли у пациенток с наружным генитальным эндометриозом //Лечащий врач. – 2019. – №. 9. – С. 83-89

<sup>2</sup>Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, обозначенных в указах и постановлениях Президента Республики Узбекистан № УП - 4947 от 7 февраля 2017г «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП - 5590 от 7 декабря 2018г. «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», № ПП - 3071 от 20 июня 2017г. «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», № ПП-4513 от 8 ноября 2012 г. «О повышении качества и дальнейшем расширении охвата медицинской помощью, оказываемой женщинам репродуктивного возраста, беременным и детям», и других нормативно-правовых документах по данной деятельности.

